

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**“ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МЕНЕЖМЕНТИ” КАФЕДРАСИ**



**ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА  
ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК  
БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЗАМОНАВИЙ  
БОШҚАРУВ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

*Республика илмий-амалий анжумани*

*МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ*

**2018 йил 16-17 апрел**

**Қарши – 2018**

16	Қурбонов А.Б. Бутунов Ш.Б.	Тадбиркорликнинг инновацион фаолиятини самарали ташкил этишда замонавий қарор қабул қилиш усуллари	51
17	Файзиева Ш.Ш.	Кичик бизнес ва тадбиркорликни замонавий бошқарув тенденциялари	52
18	Рўзиев З.И.	Корхоналарда стратегик бошқарув тизимини ташкил этиш	55
19	Жуманазаров Қ. Хасанов Ш.Х.	Иқтисодий ва ижтимоий тизимларни бошқариш концепцияси асосий элементининг мослашув механизми	57
20	Бердиев Ж.Қ. Шамсиддинов Н.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион менежментни ривожлантиришнинг аҳамияти	63
21	Манзаров Ю. Мирзаев К.	Маънавий-маърифий соҳада иқтисодий бошқариш усуллари	65
22	Аҳмедова М. Н.	“Электрон ҳукумат” тизими давлат бошқарувининг асосий омилидир	68
23	Xidirova M.	Korporativ boshqaruv - korxonalar iqtisodiy barqarorligi mezonı	70
24	Эргашев Т.Қ. Очилова М.Т.	Инвестиция жараёнларини жадаллаштириш вақўшма корхоналарни ташкил этиш иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилидир	72
25	Қурбонов А.Б. Сафаров И.	Тадбиркорлик субъектларида инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш	74
26	Казаков О.С. Қозоқов С.О.	Иқтисодиётни ривожлантириш шароитида кичик бизнес ва тадбиркорликни бошқарувини такомиллаштириш масалалари	76
27	Юлдашева Н.А.	Инқирозга қарши бошқарувни такомиллаштиришда инновацион бошқарувни қўллаш	78
28	Шарипов А. А.	Реал сектор корхоналарида менежмент самардорлиги ва уни ошириш йўллари	81
29	Раимова М.Дж Махатова Н.И	Замонавий тадбиркор раҳбарнинг психологик хусусиятлари	83
30	Рўзиева М. Ш.	Корхоналарни стратегик бошқаришнинг аҳамияти	85
31	Azamatova G. I.	Kichik biznes va tadbirkorlikni zamonaviy boshqaruv tendensiyalari	87
32	Баратова С.С.	Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва Тадбиркорликни бошқарув тенденциялари	89
33	Суннатов З.У. Дононов Ж. Бабалов Ж.	Олий таълим муассасаларида инновацион фаолият ва унинг фан, таълим ва ишлаб чиқариш соҳалари ривожланишида тутган ўрни	92

самарали фойдаланган ҳолда инновацияларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратиш;

– замонавий корхоналар жойлашган минтақада фаолият юритувчи илмий-тадқиқот муассасалар билан ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш;

– корхоналардаги лабораторияларни техник жиҳатдан тубдан янгилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

– корхоналарда инновацион маҳсулот яратувчи ихтирочиларга имконият яратиш, хорижий мутахассислар ва тажрибали илмий тадқиқотчилар билан ўқув курслари ёки семинарларни ташкил этиш.

Шуни айтиш жоизки, замонавий корхоналарда инновацион фаолиятни самарали ташкил этишга бўлган бундай ёндашув маълум бир ҳудуд доирасида корхоналарнинг инновацион фаолиятини жонлантириш ва инновацион салоҳиятини ошириш учун хизмат қилади. Бу эса, барча турдаги корхоналарнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, маълум вақт мобайнида кадрларнинг ишлаб чиқариш ва инвестицион салоҳиятларидан фойдаланиш у ёки бу инновация кўринишдаги олинган натижаларда намоён бўлади.

## **ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

**Казаков О.С.- НамМТИ**

**Қозоқов С.О.– НамМТИ**

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномасида мамлакатимиз иқтисодиёти олдига қўйилган ва 2017 йилда амалга оширилган вазифалар баён қилинди.


Ушбу мурожаатномада мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасида амалга оширилган чора-тадбирлар, иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, иқтисодиётимизнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш ва улар бўйича дастурлар қабул қилинганлигичамда изчил ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ва 2017 йилда бу йўналишларда муайян ишлар амалга оширилганлиги қайд қилинди<sup>28</sup>.

Мамлакатимизни ривожлантиришни 2017-2021 йилларга мўнжалланган Ҳаракатлар стратегиясида кичик бизнес олдига жуда кенг кўламли вазифалар қўйилмоқда. Ушбу вазифаларни самарали тарзда ечиш учун кичик бизнес субъектларини бошқаришда инновацион фаолиятга катта аҳамият бериш лозим.

Фаол тадбиркорликни амалга ошириш учун ҳам инновацион тадбиркорлик бўлиши керак. Инновацион фаолият тадбиркорлик фаолиятининг моҳиятини ташкил қилиши керак. Шарафли номга эга бўлиш учун ҳар қандай

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисига мурожаатномаси. “Наманган хақиқати” газетаси. 2017 йил 23 декабрь, № 102 (19411)

шахс ўз устида ишлаши, янгиликларни қидириш, яратиши, изланиши лозим. Бозор иқтисодиётидаги кескин рақобат курашида энгиб чиқиб, яшаб қоламан деган тадбиркор инновацион фаол бўлиши, инновацион бошқарувни амалга ошириши керак. Бу ҳаётини зарурият ҳисобланади. Инновация – бу рақобат қонунидир, бозор иқтисодиётининг ўзига ҳос хусусияти бўлиб, усиз бозор тизими ҳеч қачон ривожланмайди.



**1-расм. Фаол тадбиркорликни амалга ошириш омиллари.**

Фаол тадбиркорликни амалга ошириш учун ҳамда инновацион фаолиятни жадал равишда қўллаш учун турли салоҳиятга эга бўлган кичик бизнес фаолияти субъектлари инновацион салоҳиятини белгилашда қуйидагиларга алоҳида эътибор беришлари катта аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз:

1. Рағбатлардан кенг миқёсда фойдаланиш
2. Имкониятлардан фойдаланиш
3. Турли чекловлар ва тўсиқларни бартараф этиш (1-расм).

Кичик бизнес субъектини бошқараётган мулк эгаси ўз фойдасини орттириш йўлида тинмай изланади. Бунинг учун, у сифатли, рақобатбардошли ёки умуман янги хил маҳсулот турини ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у ўзидаги технологияни такомиллаштиради, инновацияларни жорий этади, яъни янгиликларни қидиради, топади, ўз корхонасида қўллайди. Ушбу ҳаракатларнинг барчаси маълум харажатларни талаб қилади.

Шу билан биргаликда, катта харажатларни қилиб, бозорга олиб чиқилган маҳсулотни бозорда яхши қабул қилмасликлари мумкин. У етарли миқдорда сотилмасдан, қилинган харажатлар қопланмаслиги мумкин. Маҳсулотнинг бирон-бир хусусияти етарли даражада ҳисобга олинмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай тадбиркор ҳар қандай янги ишни, инновацияни амалга ошириш учун кўп марта ўйлаши, ҳисоб-китобларни амалга ошириши лозим.

Шу билан биргаликда, тадбиркорни инновацион таваккалчиликка етаклайдиган бир куч бор. Бу бозордаги рақобат кучидир. Бозорда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар кўплигидан, улар ўртасида кучли рақобат кураши мавжуддир. Ҳар бир ишлаб чиқарувчи кўпроқ маҳсулот сотишга ҳаракат қилади. Кимда-ким ҳаракатни сусайтирса, хотиржамликка берилса, рақобатда ютқазиб қўйиши мумкин. Бундай хавф ҳар қандай тадбиркорга доимий равишда йўлдош бўлади. Шу сабабли, тадбиркорни инновацион фаолиятга ундовчи куч бўлади. Ана шу нарса – инновацион рағбатдир.

Кичик бизнес субъектларида инновацион лойиҳа устида шуғулланиш учун маълум имкониятларга ҳам эга бўлиш талаб қилинади. Унда қандайдир ўйлаб топилган янгилик ёки илмий-техникавий фаолият натижаси бўлиши керак. Тадбиркор қандайдир илмий муассасага топшириқ бериши, ички ёки ташқи бозордан тайёр лицензия сотиб олиши, патент тадқиқоти ўтказиши мумкин. Муаммо бўлса, олимлар ва тадқиқотчилар бу муаммо устида ишлайдилар ва ечимини топишга ҳаракат қиладилар.

Шу сабабли, тадбиркор ўз муаммоларини илмий-тадқиқот муассасаларига етказиши лозим. Бундай ишларнинг ҳаммаси тадбиркорда маблағ бўлишини талаб қилади. Яратилган янгиликни жорий қилиш учун ҳам маблағ бўлиши керак. Йирик инновацияларни амалга ошириш учун кичик бизнес субъектларида маблағ етишмайди.

Шу сабабли, кичик бизнес субъектлари ўзаро бирлашишлари мумкин. Шу йўл орқалигина бундай чеклашларни енгиб ўтиши мумкин. Натижада йирик тадбиркорлик субъектлари ташкил топади.

## **ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВНИ ҚЎЛЛАШ**

**Юлдашева Н.А.- Фарғона Политехника  
Институти, мустақил изланувчиси**

Иқтисодий жиҳатдан инновация иқтисодий қийматга эга бўлган янгиликни яратиш, янги ишлаб чиқариш, бизнес моделлар, янги усулда ишни ташкил этиш ёки янги манбаларни топишдир. Корхона мақсадига эришиш воситаларидан бири инновацион стратегиядир. У корхона ички ва ташқи муҳити ўзгаришига нисбатан таъсир чораси кўрсата олиш билан характерланади. Шу нуқтаи назардан, корхонада инқироз ҳолати юзага келганда дастлабки эҳтиёж сифатида инновацион стратегияни ишлаб чиқиш зарурий тадбир ҳисобланади.